

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

**Саидакбарова Саодат Пархаджановна**

Тошкент давлат шарқшунослик университети,  
Таржимашунослик кафедраси мустақил изланувчиси  
e-mail: [saodat83@list.ru](mailto:saodat83@list.ru)

## ГАСТРОНОМИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ (ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ КОМПОНЕНТЛИ ИБОРАЛАР АСОСИДА)

### АННОТАЦИЯ

Йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар тил ва маданият ўзаро боғлиқлиги ва бу тилшуносликда лингвокультурология муомоларини юқори даражага кўтариши ва миллий характер тушунчасини акс этиради. Лингвокультурологик бирликлардан бири бўлган тилнинг фразеологик фонди халқ маданияти ва меналитетининг қимматли маълумотлар манбайи саналади. Тадқиқотимиздан маълумки гастронимик фразеологизмларда муайян халқнинг удумлари, урф одатлари ва таомиллари ҳақидаги тасаввурлар мужассамлашган. Мақолада гўшт компонентли ибораларининг маъноси ва маълум бир миллатнинг этник ва маданий ўзига хослиги акс эттиши кўриб чиқилди.

**Таянч сўзлар:** лингвокультурология, фразеологизм, маданият, урф-одат, этимология.

**Саидакбарова Саодат Пархаджановна**

Ташкентский государственный университет востоковедения,  
Независимый научный исследователь отдела переводоведения  
e-mail: [saodat83@list.ru](mailto:saodat83@list.ru)

## ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ГАСТРОНОМИЧЕСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ (НА ОСНОВЕ ИДИОМ С КОМПОНЕНТОМ “МЯСНЫЕ ПРОДУКТЫ”)

### АННОТАЦИЯ

За прошедшие годы исследования показали, что язык и культура взаимосвязаны и что лингвистика очень важна для изучения языка и отражает понятие национального характера. Фразеологический фонд языка является одним из лингвокультурологических подразделений и является ценным источником народной культуры и менталитета. Наше исследование показывает, что гастронимические фразы отражают обычаи и традиции конкретной нации. В статье рассматривается значение идиомы с мясными продуктами и то, как они отражают этническую и культурную идентичность данной нации.

**Ключевые слова:** лингвокультурология, фразеологизм, культура, традиции, этимология.

## LINGUO-CULTURAL ANALYSIS OF GASTRONOMIC PHRASEOLOGICAL UNITS (BASED ON THE IDIOMS WITH THE COMPONENT OF “MEAT PRODUCTS”)

**Saidakbarova Saodat Parksadzhonovna**

Tashkent State University of Oriental Studies,  
Independent Researcher, the department of Translation  
e-mail: [saodat83@list.ru](mailto:saodat83@list.ru)

## ANNOTATION

Over the years, research has shown that language and culture are interrelated, and that linguistics is highly relevant in language studies and reflects the notion of national character. The phraseological foundation of the language is one of the linguocultural units and is a valuable source of folk culture and mentality. Our study shows that gastronomic phrases reflect the customs and traditions of a particular nation. The paper discusses the importance of meat idioms and how they reflect the ethnic and cultural identity of a given nation.

**Key words:** linguoculturology, phraseology, culture, tradition, etymology.

*“Инсон ўлим, ҳаёт, севги ва нафрат ҳақида суҳбат қураётган у албатта,  
фразеологик бирликлардан фойдаланиши зарур.  
Чунки иборалар бу каби мулоқатларда фикрни аниқ ифода этишига ва тушунишига  
ёрдам берадилар” [1,3]*

Фразеологизмлар ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган. Улар даладаги деҳқонлар, денгизчилар, пазандалар, савдогарлар, саънаткорлар, сайёҳлар ва ҳ.к. соҳа вакиллари томонидан яратилган. Вақт ўтиши билан бу иборалар энг таъсирчан саналган адабий тилга кириб келади, яъни улар ўзининг тор маъносидан кенг маънога кўчади. Масалан, инглиз тилидаги *Fat in the fire* (оловга ёғ қуймоқ) ошхонада ошпазлар нутқида пайдо бўлган кейинчалик бошқа соҳаларда қўлланила бошлаган.

Лингвокультурологиянинг асосий тушунчаларидан бири тил бирликларининг маданий коннотациясидир. Маданий коннотация тил белгисидаги маданият даражасининг кўрсаткичини ифодалайди. Миллий-маданий коннотациянинг тилда ифодаланишини “халқ маданияти ва менталитетининг қимматли маълумотлар манбаи бўлган фразеологизмлар” воситасида ўрганиш мумкин [2,43].

В.А. Маслова таъбири билан айтганда, “фразеологизмларда муайян халқнинг мифлари, удумлари, ривоятлари, таомиллари, урф-одатлари, маънавияти, ахлоқи ва ҳ.к. ҳақидаги тасаввурлар мужассамлашган бўлади”. Олима фразеологизмлар тадқиқидаги қуйидаги муҳим жиҳатларни қайд этади: “Фразеологизмларнинг аксариятида аниқланиши лозим бўлган миллий маданиятнинг “изи” мавжуд. Фразеологик бирликларнинг ички шаклида объектив оламнинг у ёки бу ҳодисаларини образли тасаввури бўлган маданий информация сақланади ва у фразеологизмга маданий-миллий бўёқ беради. Маданий-миллий ўзига хосликни аниқлашда маданий-миллий коннотацияни очиш жуда муҳимдир” [3, 83]. Шунингдек, В. Н. Телия, “фразеологизмда айнан маданий семантика (маданий коннотация)нинг мавжудлиги иборанинг жонли тилда “узоқ яшаши”ни таъминлашини таъкидлайди [4, 196].

Л.Леви-Брюл ибораларнинг шаклланишини ибтидоий тафаккурнинг тараққиёти билан боғлаган. Бу тараққиёт бир-бирига боғлиқ икки босқични босиб ўтган. Биринчи – прологик (мантиқ пайдо бўлгунга қадар) тафаккур. Бу босқич одамлари уруғ вакиллари учун бир хил тасаввур этилган нарса ва ҳодисаларни турли сеҳр билан боғлиқ тасаввурлар ва ирм-сиримлар доирасида ўзгача номлашга, айрим тушунчаларни ва мавжуд сўзларни бутунлай бошқача маънода қўллашга (табу ва эвфемизм) интилишлари оқибатида турғун иборалар келиб чиққан.

Иккинчиси – мантикий фикрлаш босқичи бўлиб, унда ибтидоий одамлар нарс ва ходисаларни табиатга оид ёки эътиқодий тассавурлар таъсирида атайлаб ўзгача оламди ёки уларга нисбатан бутунлай бошқа сўзларни кўчма маънода қўллаш орқали провербиал фразеологизмлар ҳосил бўлган [5, 37].

Тилда ифода қилиб бўлмайдиган туйғулар ҳақида мулоқот қилиш учун иборалардан фойдаланамиз. Урушнинг даҳшатини, ўлимнинг хасратини ҳамда севгининг гўзал туйғусини ифодалаш учун осон тилни ишлатмас эканмиз, улар тушунарсиз феномен бўлиб қолади.

Гастрономик фразеологизмларни шакллантиришда фаол қўлланилган компонентлардан яна бири гўштдир. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳам худди нон сингари инсоннинг овқатланиш маданияти, кундалик турмушида муҳим ўрин тутган озуқалардан биридир. Инглиз маданиятида гўшт маҳсулотлари номи билан қўлланилган иборалар Англиянинг қадимий тарихи билан боғлиқ. Масалан, *pork* (чўчка гўшти), *beef* (мол гўшти), *mutton* (қўй гўшти) сўзларининг келиб чиқиши Норманлар мағлуб бўлган Саксонлар билан мулоқот давридаги тиллар “жанги”дан шаклланиганини кўриш мумкин. Француз ва инглиз тилларининг аста-секин ўрин алмашиш жараёни уч-тўрт аср давом этган. Француз тили узок йиллар давомида зодагонлар тили ҳисобланган, инглиз тилида эса паст табақадаги саводсиз кишилар сўзлашган. Норманларнинг дастурхонига мол, чўчка ва қўй гўшти тортилган ва ўз-ўзидан бу маҳсулотларнинг қадимги инглизча номи француз тилидаги муқобилига ўзгартирилган:

| Инглиз тилида                     | Француз тилида                     |
|-----------------------------------|------------------------------------|
| <b>Pig (old English picga)</b>    | Pork (old French porc)             |
| <b>Ox (old English oxa)</b>       | Beef (old French boef)             |
| <b>Sheep (old English sce-ap)</b> | mutton (old French moton)          |
| <b>Calf (old English cealf)</b>   | Veal (old French veel, later veau) |

Тадқиқот жараёнида инглиз тилида гўшт маҳсулотлари номи билан ясалган 22 та гастрономик фразеологизм аниқланди.

Meat (гўшт) компоненти билан ҳосил бўлган гастрономик фразеологизмлар:

|                                           |                          |
|-------------------------------------------|--------------------------|
| <b>To be meat and drink</b>               | <b>жону дили</b>         |
| <b>One's meat is another man's poison</b> | кимга савоб, кимга харом |
| <b>After meat mustard</b>                 | Ғишт қолибдан кўчди      |
| <b>Strong meat</b>                        | дахшат                   |
| <b>Meat and potatos</b>                   | муҳим омил               |
| <b>Dead meat</b>                          | мурда (пуписа килмок)    |

Mutton (қўй гўшти) компоненти билан ҳосил бўлган гастрономик фразеологизмлар:

|                                      |                                                     |
|--------------------------------------|-----------------------------------------------------|
| <b>To eat one's mutton with smb</b>  | <b>Тушлик қилиш</b>                                 |
| <b>Mutton dressed (up) as a lamb</b> | Кампирлар қиз бўламан дейди                         |
| <b>Returns to one's mutton</b>       | эски ашуласини бошламоқ<br>карам шурвасини бошламоқ |

Chicken (товуқ гўшти) компоненти билан ҳосил бўлган гастрономик фразеологизмлар:

|                                                     |                                       |
|-----------------------------------------------------|---------------------------------------|
| <b>Chicken</b>                                      | <b>кўрқок</b>                         |
| <b>Don't count chickens before they are hatched</b> | санамай саккиз дема                   |
| <b>Spring chicken</b>                               | ўнг гулидан бир гули очилмаган,<br>ёш |
| <b>Like headless chicken</b>                        | пала- партиш,                         |
| <b>Chicken feed</b>                                 | арзимас пул                           |

Turkey (курка гўшти) компоненти билан ҳосил бўлган гастронимик фразеологизмлар:

|                        |                                                    |
|------------------------|----------------------------------------------------|
| <b>Red as a turkey</b> | <b>уятдан қизариб кетмоқ</b>                       |
| <b>Talk turkey to</b>  | масалага ойдинлик киритиш<br>мақсадида суҳбатлашиш |

Bacon, ham, pork (чўчка гўшти) компонентлари билан ҳосил бўлган гастронимик фразеологизмлар:

|                                |                              |
|--------------------------------|------------------------------|
| <b>To bring home the bacon</b> | <b>Оилани бокмоқ</b>         |
| <b>Pork barrel</b>             |                              |
| <b>Ham</b>                     | Кимнингдир карамогида булмоқ |

Lamb (қўй гўшти) компоненти билан ҳосил бўлган гастронимик фразеологизмлар:

|                                      |                                                                                               |
|--------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>Smell of the lamb</b>             | <b>Ёзувчилар уз асарлари устида жуда<br/>куп вақт утказганларида қулланиладиган<br/>ибора</b> |
| <b>Mutton dressed (up) as a lamb</b> | Хозирги замон кампирлари киз<br>буламан дейди                                                 |

Fish (балик) компоненти билан ҳосил бўлган гастронимик фразеологизмлар:

|                           |                     |
|---------------------------|---------------------|
| <b>Bigger fish to fry</b> | <b>Мухим вазифа</b> |
|---------------------------|---------------------|

Кўринадики, инглиз маданиятида гўшт ва гўшт маҳсулотлари инглиз халқининг урф-одатлари, анъаналари, яшаш тарзининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шу боис гўшт ва гўшт маҳсулотлари номи билан шаклланган иборалар инглиз лингвомаданиятида фаол қўлланилади. Чунончи, *roast meat* ифодаси куйидаги гастронимик фразеологизмлар таркибида учрайди: *roast meat and potatoes* [6] – қизартириб қовурилган гўшт ва картошка (бирор ниманинг энг муҳим қисми), *one man's roast meat is another man's poison* – бирор киши учун қизартириб қовурилган гўшт, бошқа киши учун заҳар (бир одамнинг энг севимли нарсаси ўзгалар учун заҳардир), *dead meat* – ўлик гўшт (пўписа қилмоқ) каби тушунчаларни англатади. Ўзбек лингвомаданиятида таркибида *гўшт* сўзи қатнашган гастронимик фразеологизмларнинг аксарияти салбий маънони ифода қилади. Масалан: *гўштини бурда-бурда қилмоқ*, *гўштини емоқ* (*гўштингни ейман*) иборалари таҳдид маъносида, *бир-бирини гўштини емоқ*, *гўшткетти бўлмоқ* иборалари эса “урушмоқ, жанжаллашмоқ” маъносида қўлланилади. Мазкур гуруҳга инглиз тилидаги *dead meat* – ўлик гўшт (пўписа қилмоқ) ибораси маъно жиҳатдан яқин туради. Юқорида қайд

этилганлар билан бирга, инглиз лингвомаданиятида *meat* (гўшт) сўзидан ташқари гўшт турларини ифодаловчи *mutton* (қўй гўшти), *pork* (чўчка гўшти), *beef* (мол гўшти) ва *turkey* (курка гўшти) сўзлари билан ифодаланган гастронимик фразеологизмларнинг ҳам кенг тарқалганлигини кўриш мумкин.

Масалан:

*To eat one's mutton with smb – бирга манаввул қилмоқ.*

*Will you eat your mutton with me today, Palmer?* (Ch. Reade, "It is Never Too Late to Mend", ch. XII) [7, 523].

*Бугун бирга манаввул қиламизми, Палмер?*

*Mutton dressed (up) as lamb – кампир қиз бўламан дейди.*

*They are popular in the neighborhood, I gather.* 'Some of the old cats don't like 'em,' said General Grant. 'A good deal of **mutton dressed as a lamb** round here' (A. Christie, "The Labours of Hercules", "The Horses of Diomedes").

*Фикримча, улар маҳалламизнинг кўзга кўринган қизларидан. Фақат кампирлар эмас – деди Генерал Грант. – Ўзимизда ҳам қиз бўламан деган кампирларимиз талайгина.*

*Return to one's muttons* (карам шўрвани бошламоқ) ибораси французчадан кирган бўлиб, аслида *revenons a nos moutons* бўлган. Ҳазил тариқасида қўлланиладиган ушбу ибора ўз фикрини маъқуллаш мақсадида бир гапни такрор-такрор гапирадиган кишиларга нисбатан ишлатилган.

*Mr. Cox seemed to lost interest in a conversation which had regrettably drifted away from the topic of himself. He turned his back on us rather abruptly, and returned to his titled muttons.* (R. Aldington, "Soft Answers", "Nobody's Baby").

*Жаноб Кокс, унинг шахси атрофида айланмаётган суҳбатга қизиқишини йўқотди. Аммо у тезда барчасини ўз қўлига олди-да, яна ўз карам шўрвасини давом этирди.*

#### Адабиётлар:

1. "Idioms, How We Love/Hate You. Pierto, Robert Di. Washington : s.n., 1976, " Interfaces: Linguistic and Psychoanalysis Newsletter, No. 6 (Dept. of Linguistics, Georgetown University, p. 3.
2. Sh, Usmanova. Lingvokulturologiya. 2019 : TDSHU, Toshkent.
3. В., Маслова. Лингвокультурология. М : Издательский центр «Академия», 2001. p. 81.
4. В.Н., Телия. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологические аспекты. М : s.n., 1996. p. 196.
5. Леви-Брюль. Первобытное мышление. Москва : s.n., 1930. p. 37.
6. phrases.org.uk. <http://www.phrases.org.uk/idioms/meaningd.html>. [Online]
7. А.В., Кунин. Англо-русский фразеологический словарь. Москва : s.n., 1984. p. 523
8. A.S., Hornby. Oxford advanced learner's dictionary. s.l. : Oxford University Press, 2005. p. 1171.
9. www.merriam-webster.com. [Online]
10. N., Rees. Cassell's dictionary of word and phrase origins. Croydon : Bookmarque Ltd, 2004. p. 244.
11. Watson, Karen Ann. "Understanding Human Interaction: The Study of Everyday Life and Ordinary Talk." In Topics in Cultural Learning. Hawaii1974 : East-West Center. p. 57.